

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Давлат ва хусусий секторда маъмурий қўллаб-қувватлаш

соҳаси бўйича

Малакалар

6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96435 4

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	11
Дарс режаси	41

Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларида маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режаси

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур ўқув-услубий материалдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

Ўқув қўлланма

Ушбу модул тугаллангандан сўнг, ўқувчилар маъмурий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш кўникмаларига эга бўладилар, шу жумладан, мониторинг воситаларидан фойдаланиш ва лойиҳаларни режалаштириш, шунингдек, режалаштиришни яхшилаш ва келгусидаги лойиҳаларни бошқариш мақсадида, лойиҳаларнинг муваффақиятларини баҳолай оладилар.

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади, ўқувчиларга лойиҳани тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ва баҳолаш босқичлари тўғрисида тушунчалар беришдан иборатдир. Улар бунини, танланган ташкилот учун лойиҳа режасини ишлаб чиқариш йўли орқали бажарадилар.

Ўқувчилар электрон жадваллар ва матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот каби самарали лойиҳа ҳужжатларини яратиш имконини берувчи, тегишли АТ-тизимлари ва замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ўқувчилар лойиҳа устида биргаликда ишлашлари учун кичик жамоа тузишларига тўғри келади.

Ўқувчилар билимларни мустаҳкамлаш ва бошқа модуллардаги ўқитиш билан бирлаштиришлари учун малака охирида, модулни тугатишлари фойдали бўлар эди. Баъзи марказлар, ушбу модулни *11-модул: Бизнес амалиётини яхшилаш*, билан биргаликда ўрганишлари мумкин, чунки ўқувчилар бизнес ва лойиҳаларни яхшилаш бўйича машқларда, лойиҳаларни бошқариш методологиясидан фойдаланишлари мумкин.

Лойиҳанинг ўзи маъмурий рол билан боғлиқ бўлиши керак, аммо билимларни ривожлантириш ва лойиҳаларни бошқариш терминологияси ва методологиясини тушуниш мақсадида, ишлатилаётган методологияларнинг ўринлилигини намойиш қилиш учун бошқа турли лойиҳаларнинг кейс-стадиларидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга лойиҳаларни бошқаришнинг методологиясининг қиймати ва аҳамиятини тўлиқ баҳолай олишлари учун ҳақиқий бизнес-лойиҳалар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш фойдали бўлар эди. Шу тариқа, улар бир қатор манфаатдор томонларни қониқтириш билан боғлиқ муаммоларни

ва лойиҳалар, одатда, рақобатбардош устуворликлар асосида амалга оширилишини тушуна бошлайдилар.

Ўқувчилар лойиҳани яқунлашда, техник таъминот соҳасида ривожланишлари учун ахборот технологияларнинг махсус пакетини, имкон даражасида тақдим этиш керак бўлади.

Ўқувчилар улар танлаган лойиҳа турига мутаносиб лойиҳа машқларини аниқлаш, тамойилларини тушунишлари лозим. Лойиҳанинг натижаларини баҳолашда, асосий статистик таҳлил, жадвалга маълумотларни тўплаш, диаграммаларни тузиш ва фоизларни ҳисоблашни ўз ичига олиши мумкин.

Баҳолаш бўйича қўлланма

Ушбу модул ўқувчилар лойиҳаларда иштирок этишини ва ушбу соҳада ўзлаштирилган кўникмаларни тасдиқловчи ва намойиш қилувчи ҳужжатлар портфолиосини тақдим этишларини талаб қилади. Лойиҳани баҳолаш кўникмалари тафсилотларини, мазкур модулдаги Баҳолаш учун иш дафтарида топилган мумкин. Модулни ўрганишдан олдин, ўқитувчилар ўқувчилар фойдаланиши керак бўлган лойиҳаларнинг тури ва миқёсини режалаштиришлари лозим. Лойиҳани танлаш, ушбу модулнинг муҳим қисмидир ва ўқитувчилар, ўқувчи ҳаққоний бажара оладиган ва эришиладиган лойиҳани танлаганига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Ўқувчилар муайян, алоҳида, кичик миқёсли, тегишли мураккаблик даражасидаги лойиҳани танлашлари лозим. Конференцияни ташкиллаштириш, маъмуриятнинг янги элементини яратиш, тизимлар, ходимларни танлашда маъмурий қўллаб-қувватлаш жиҳатларини сошлаш ёки янги маҳсулот ёхуд хизматларни йўлга қўйиш бунга мисол бўлиши мумкин.

Ўқувчиларга ўз лойиҳалари устида ишлаш учун вақт беришда, баҳолаш бўйича семинарлар, иш схемасига киритилди. Ўқитувчилар портфолио ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини кузатишлари ва кузатув тўғрисидаги ҳисоботларни тўлдиришлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчилар лойиҳавий жамоаларда ишлашларидан қатъий назар, уларнинг портфолиосида ўтказиладиган ва баҳоланадиган иш, ҳар бир ўқувчи учун мустақил ва ўзига хос бўлиши лозим.

Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

Кириш

Модулни ўрганишдан аввал, лойиҳа жараёнларини таҳлил қилиш учун ўқувчилар ўрганиши мумкин бўлган бир қатор материалларни тўплашингиз зарур бўлади. Бу материаллар, ўқувчилар лойиҳалар қандай режалаштирилиши ва бошқарилиши мумкинлигини ўрганиши мумкин бўлган, лойиҳаларнинг кейс-стадиларини ўз ичига олиши лозим. Кейс-стадилар ўқувчиларга дастлабки режалаштиришга нисбатан лойиҳаларнинг муваффақиятлиги тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам бериши лозим.

Лойиҳалар билан боғлиқ бўлган, бошқариш ва қўллаб-қувватлаш жараёнларини ҳақиқий қўлланилишини намойиш қила оладиган, ташкилотга таклиф этилган спикерлар ва ташрифларни режалаштиришингиз учун иш схемасини ўрганишингиз лозим бўлади. Шунингдек, ушбу модул учун зарур бўлган техник қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш имконияти борлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Ўқитишни, ўқувчиларни ушбу модул учун баҳолаш модели орқали йўналтиришдан бошланг. Ўқувчилар бу маълумотни модулни ўрганишда инобатга олишларида, улар баҳо олишлари учун фойдаланадиган жамоалар ёки лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишдан бошлашингиз керак бўлади.

Модулни ўрганиш жараёни, сиз дарсдан олдин тайёрлашингиз керак бўлган ўқитувчининг тақдими, шунингдек, алоҳида ўқувчилар, жуфтликлар, кичик гуруҳлар ва бутун синф билан ўтказиладиган, ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама ва машқлардан иборат бўлади.

А ўқитиш мақсади: Лойиҳаларни самарали бошқариш тамойилларини англаш

А ўқитиш мақсадини ўрганишда фойдаланиш лозим бўлган ёндашувлар қуйидагилардир:

- ҳаёт цикли хусусиятлари ва лойиҳаларни режалаштириш ҳақидаги назариясининг компонентлари;

6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

- қуйидаги масалалар бўйича тақдимотлар, муҳокамалар ҳамда гуруҳ иши ва тадқиқоти бўйича кейс-стадилар:
 - лойиҳаларни бошқариш тамойиллари;
 - ишчи ва ташкилий лойиҳаларни бошқариш;
 - лойиҳа жамоасидаги роллар ва мажбуриятлар;
 - лойиҳа натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар.

А ўқитиш мақсадининг охирига келиб, 10-дарсда иш жойига ташриф буюриб, ўқувчилар лойиҳаларни бошқариш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳақиқий ишчи мисоллари билан танишишлари ва мутахассислар ҳамда лойиҳа гуруҳи аъзолари билан суҳбатлашишлари учун вақт ажратилган. Агар иш жойига ташриф буюриш қийинчилик туғдирса, сиз марказга мутахассисларни таклиф этилган спикер сифатида, таклиф қилишингиз ва ўқувчиларга улардан ўз усуллари, ёндашувлари ва тажрибаси тўғрисида сўрашларига имкон беришингиз мумкин.

В ўқитиш мақсади: Лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлаш

В ўқитиш мақсадини ўрганишда, фойдаланиш лозим бўлган ёндашувларга ҳам назарий компонентлар, ҳам қуйидагилар билан боғлиқ амалий машғулотлар ва кўникмалар киради:

- режалаштириш, алоқа, хавф ва муаммолар реестри, фавқулотда вазиятларда режалаштириш билан боғлиқ лойиҳавий ҳужжатлар ва воситалар;
- лойиҳаларни мониторинг қилиш ва лойиҳани амалга ошириш ҳамда унинг натижаларига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омиллар;
- турли усулларда лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни узатиш, жумладан, учрашувлар, шунингдек, ёзма ҳисоботлар ва янгиланишлар.

Амалий кўникмалар бўйича семинарлар, ўқувчиларга лойиҳаларни бошқариш учун зарур бўлган дастурий таъминот билан таништиришлари, шунингдек, кўникмалардан мустақил ва самарали фойдаланиш учун тегишли кўникмаларни ривожлантириши керак. Ўқувчиларга кейс-стадиларни кўриб чиқиш имкониятини тақдим этиш ва лойиҳани ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун гуруҳларда ишлаш имконияти берилиши лозим. Ўқувчиларга мулоқот сценарийларини ўйнаш, айниқса, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш керак бўлганда, профессионал мулоқот кўникмаларини ривожлантириш имконияти тақдим этилиши лозим.

6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

19 ва 20-дарсларда, ўқувчиларга мазкур мақсадни баҳолашда ишлатиладиган топшириқни бошлаш учун баҳоловчи семинарларда иштирок этиш имконияти берилиши керак. Эҳтимол бу лойиҳа, гуруҳининг учрашувлари ва индивидуал режалаштириш каби дастлабки вазифалар бўлиши мумкин. Модулни ўрганиш охирига келиб, кейинги семинарларда иш давом эттирилади.

С ўқитиш мақсади: Лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлаш

С ўқитиш мақсадини ўрганишда фойдаланиш лозим бўлган ёндашувлар қуйидагилардир:

- лойиҳаларни бошқариш усуллари бўйича назарий компонентлар, жумладан вақтни, лойиҳа ресурсларини, хавф ва муаммоларни самарали бошқариш, шунингдек, лойиҳани яқунлаш ва баҳолаш;
- ўқувчилар гуруҳи муқобил самарали ёндашувларни аниқлаши мумкин бўлган, ёмон бошқариладиган лойиҳаларнинг кейс-стадилари;
- лойиҳа вақтида хавф ва муаммоларни бошқариш усуллариининг ўқувчилар томонидан тадқиқ қилиниши.

Ушбу модулни ўрганишнинг охирида, ўқувчилар лойиҳаларга таъсир кўрсатувчи ҳақиқий муаммоларга дуч келишлари учун таклиф этилган спикернинг мастер-класс ёки лойиҳани бошқариш ва яқунлаш бўйича умумий машғулотни ўтказиш имконияти бўлади.

Модулнинг ушбу қисмида ўқувчилар, бериладиган бир қатор «шахсий кўникмаларини» ривожлантиришлари мумкин, шу жумладан, профессионализм, тақдимот кўникмалари, мулоқот кўникмалари, муаммоларни ҳал қилиш ва танқидий таҳлил кўникмалари.

Модул охиридаги бир нечта сессиялар баҳолаш бўйича баҳоловчи семинарларга бағишланган бўлиб, уларда ўқувчилар ўз лойиҳалари ва баҳоловчи топшириқларни бажариш билан қатнашишлари мумкин. Сиз лойиҳа топшириқларида иштирок этаётган ўқувчиларни кузатишингиз ва баҳолашингиз ҳамда лойиҳа тақдимотини яқунлаш бўйича режа тузишингиз мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, сиз уларнинг лойиҳаларида ёрдам бера олмайсиз ва ушбу сессиялар вақтида сиз, фақатгина кўникмаларни текширувчи сифатида иштирок этишингиз мумкин. Улар жамоавий лойиҳаларда иштирок этишларига қарамасдан, барча ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтларида батафсил ёзилган муайян топшириқларни бажаришлари лозим. Иш схемаси охирида сизга баҳолаш натижаларига хулоса қилишингиз учун, ўқувчиларга эса, ўқитиш усуллари келгусида яхшилаш мақсадида, модулни ўрганиш жараёнини баҳолаш учун вақт берилади.

ВТЕСнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулларга таянган:

- 2-модул: Ҳужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш.
- 3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш.
- 5-модул: Ишга оид маълумотларни бошқариш.
- 7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар.
- 11-модул: Иш амалиётини яхшилаш.

Ресурсла га талаблар

Китоблар

Ашар, К – *Сиз ҳар доим билишни истаган лойиҳаларни бошқариш асослари* (4-нашр), Vibrant Publishers (2019), ISBN-13: 9781949395396

Мазкур китобда лойиҳалар билан боғлиқ бошқарув ролларини бажарадиган, ходимлар учун замонавий лойиҳаларнинг мураккаблигини қандай бошқариш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Керцнер, Н – *Лойиҳалаорни бошқариш: Режалаштириш, тақсимлаш ва назорат қилишга тизимли ёндашув* (12-нашр), John Wiley & Sons (2017), ISBN-13: 9781119165354

Бу китоб лойиҳаларни режалаштириш, тақсимлаш ва назорат қилиш асослари тўғрисида маълумот беради.

Томпсон, Е – *Agile Лойиҳалаорни бошқариш: лойиҳаларни энг бошидан тўғри бошқаришингиз учун танишингиз керак бўлган қадамма-қадам қўлланма*, Мустақил манбаларда чоп этилган (2019 й.), ISBN-13: 9781072162780

Ушбу китоб, энг юқори натижалар олиш учун лойиҳанинг ҳар бир босқичини қандай самарали амалга оширишни ўргатиш тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади.

Веб-сайтлар

www.apm.org.uk

Лойиҳаларни бошқариш ассоциацияси (ЛБА) – лойиҳа профессионаллари учун Британиянинг ваколатли органи. Мазкур сайт, лойиҳаларни бошқариш тўғрисидаги дунёдаги илғор маълумотларни тақдим этади.

www.napm.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш бўйича миллий агентлик (ЛБМА) ЛБМА – давлат органлари ва бошқа ташкилотларни бошқарувчи ва тартибга солувчи, Президентга ҳисоб берувчи, юридик шахс сифатида фаолият юритувчи миллий агентлик.

www.pmi.org

Лойиҳаларни бошқариш институт (ЛБИ) – лойиҳаларни, дастурларни ёки портфолиоларни бошқаришни ўз касби, деб ҳисоблаганлар учун етакчи ассоциация.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет- сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ўқитувчилар учун ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, долзарб ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун улар кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб/университетнинг ички интернет тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	30
Дарс ларнинг давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	2-модул: Хужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш. 3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш. 5-модул: Ишга оид маълумотларни бошқариш. 7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар. 11-модул: Иш амалиётини яхшилаш.

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқтиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш – бизнес-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Модулнинг мазмунини таърифланг ва ўқитиш мақсадлари ҳамда баҳолаш усуллари муҳокама қилинг. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар Бизнес-муҳитида лойиҳаларни бошқариш, шу жумладан, улар ўтган малака модули учун мутаносиб лойиҳа бошқариш бўйича, ўз билимлари ва тажрибалари билан бўлишишлари мумкин. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар бутун гуруҳ билан ғояларини бўлишадилар ва муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи тақдироти: Бизнес-муҳитидаги лойиҳалар, шу жумладан: турлар, миқёс, мақсад. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Турли хилдаги ташкилотлар учун лойиҳаларни муҳокама қилинг. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи ўтган дарсда ўтилган материалларни мустаҳкамлайди. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳанинг ҳаётӣ цикли босқичлари тўғрисидаги умумий тасаввур, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> ○ инициация; ○ режалаштириш; ○ бажариш; ○ якунлаш ва баҳолаш. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳанинг ҳаётӣ цикли босқичларини ўрганиш учун лойиҳанинг кейс-стадисидан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг машқлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>МР Лойиҳаларнинг кейс-стадиси.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳанинг ҳаётий цикли бўйича хулосалар қилади. • Ўқитувчи тақдимоти: Формат ва хусусиятларнинг шарҳи ҳамда қамров, белгиланиш, мақсад ва вазибалар нуқтаи-назаридан лойиҳанинг қисқача тавсифи. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳанинг инициация босқичидаги ўзларининг шахсий иштироки, тажрибалари билан бўлишадилар. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Жуфтликлар бир қатор белгиланишлар ва ташкилотлар учун лойиҳавий топшириқларнинг материалларини таҳлил қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Олдинги машқ асосида ўтказилади. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳавий топшириқларга мисоллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳанинг ҳаётий цикли инициация босқичи бўйича хулосалар қилади. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳани самарали режалаштириш учун зарур деталларнинг шарҳи. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳанинг режалаштириш босқичидаги, ўзларининг шахсий иштироки тажрибалари билан бўлишадилар. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Жуфтликлар бир қатор белгиланишлар ва ташкилотлар учун лойиҳавий режаларнинг материалларни таҳлил қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар Жуфтликлар ғоялари билан бўлишадилар ва уни бутун синф билан муҳокама қиладилар. • Яқун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Электрон жадваллар билан ишлаш учун АТ – тизимлари ва дастурлардан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФС Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳа режаларига мисоллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳанинг ҳаётий цикли режалаштириш босқичи бўйича хулосалар қилади. • Ўқитувчи тақдимоти: Ушбу босқичда амалга ошириладиган лойиҳа ва машқлар, шу жумладан, мониторинг ва манфаатдор томонлар билан ўзаро таъсир. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳани бажариш босқичидаги ўзларининг шахсий иштироки тажрибалари билан бўлишадилар. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Жуфтликлар бир қатор белгиланишлар ва ташкилотлар учун лойиҳавий режаларнинг материалларни таҳлил қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар Жуфтликлар ғоялари билан бўлишадилар ва уни бутун синф билан муҳокама қиладилар. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳаларни бажариш босқичидаги илғор тажрибага мисоллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳанинг ҳаётий цикли бажариш босқичи бўйича хулосалар қилади. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳани яқунлаш ва бу босқичда ўтказиладиган баҳолаш ва машқлар тўғрисидаги умумий тасаввур. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳани яқунлаш ва баҳолаш босқичидаги ўзларининг шахсий иштироки тажрибаси билан бўлишадилар. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Жуфтликлар лойиҳаларни баҳолаш бўйича тарқатма мисолларни таҳлил қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар Жуфтликлар ғоялари билан бўлишадилар ва уни бутун синф билан муҳокама қиладилар. • Яқун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳаларни баҳолаш бўйича тарқатма мисоллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Лойиҳа бўйича ходимнинг ўрни ва мажбуриятлари A2		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳавий жамоаларнинг шарҳини тақдим этади. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар жамоадаги ваколатлар ва алоқа каналлари билан танишиш учун лойиҳавий жамоанинг тизимли схемасига мисолни ўрганишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Ўқитувчи лойиҳавий жамоа доирасида, жамоа ва алоҳида шахсларнинг вазифаларини таништиради ва муҳокамани юритади. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳавий жамоанинг ҳар бир аъзосига зарур бўлган кўникмаларни ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Олдинги машқ асосида ўтказилади. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳавий жамоанинг тизимли схемаси.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишда ҳисобга олиш зарур бўлган омиллар АЗ		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Лойиҳаларни бошқариш контекстида назарда тутилган ички ва ташқи омиллар тўғрисида умумий тушунча. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ички омиллар, шу жумладан, лойиҳаларнинг самарали раҳбарлари, режалаштириш босқичида бу омилларни қанчалик ҳисобга олиши ва лойиҳага ҳар қандай салбий таъсирни юмшатиш учун уларни бошқаришни қанчалик инобатга олиши. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган, ички омилларга мисол келтиришлари ва лойиҳавий жамоалар қандай қилиб бу омилларнинг лойиҳага салбий таъсирини олдини олиши мумкинлигини муҳокама қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликлар ғоялари билан бўлишадилар ва уни бутун синф билан муҳокама қиладилар. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларга тарқатма мисоллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишда ҳисобга олиш зарур бўлган омиллар А3		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи, лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ички омилларни ўрганиш юзасидан хулосалар қилади. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ички омиллар, шу жумладан, лойиҳаларнинг самарали раҳбарлари режалаштириш босқичида, бу омилларни қанчалик ҳисобга олиши ва лойиҳага ҳар қандай салбий таъсирни юмшатиш учун уларни бошқаришни қанчалик инobatга олиши. • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳанинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ички омилларга мисол келтиришлари ва лойиҳавий жамоалар қандай қилиб бу омилларнинг лойиҳага салбий таъсирини олдини олиши мумкинлигини муҳокама қилишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликлар ғоялари билан бўлишадилар ва уни бутун синф билан муҳокама қиладилар. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон</p> <p>МР Лойиҳа бўйича ходимларнинг роли ва вазифалари</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	Лойиҳалар ва лойиҳанинг ҳаёт цикли A1	Т ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларда машқлар: Бир қатор турли лойиҳаларни бошқарувчи бизнес-маъмурият билан боғлиқ ташкилотга ташриф. • Ташкилот томонидан таклиф этилган спикер: Ўқувчиларга ташкилот ва лойиҳаларни бошқариш тўғрисида маълумотларни тақдим этади. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар лойиҳавий жамоа аъзоларига улар иштирок этаётган лойиҳалар, шунингдек, лойиҳавий машқлар тўғрисида саволлар беришлари лозим. • Изоҳ: Ташриф чоғидаги машқ, ташкилотнинг ташрифни бошқариш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолади. Синфга таклиф этилган спикер билан дарс бунга муқобил ёндашув бўлади. • Якун: Ўқитувчи дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустақамлаши ва ўқувчиларнинг ҳар қандай саволларига жавоб бериши керак. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар машғулотнинг асосий хулосалари қайдлари учун шаблондан фойдаланиб, қайдларни ёзадилар ва таянч атамаларнинг глоссарийсини янгилайдилар. 	ФШ Иш жойига ташрифдан қайд ёзувлари учун шаблон.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	А ўқитиш мақсадининг машқларини қисқача такрорлаш	ММ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи иш жойига ташрифдан сўнг қилинган ўқитиш хулосаларини мустаҳкамлайди. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар иш жойига ташрифларини ва ташкилот, турли лойиҳаларни турли усулларда қандай бошқариши борасида, нимага эътибор берилгани ва аниқланганлигини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Турли ташкилотлар лойиҳаларни бошқаришини ўрганиш. • Ўқитувчи бошчилигида материални мустаҳкамлаш: А ўқитиш мақсадлари ўқитиш хулосаларини такрорлаш, савол ва жавоблар сессияси ҳамда сўровни ўз ичига олади. • Якун: Ўқитувчи амалиётнинг биринчи баҳосини тақдим этиши керак. Баҳолаш учун иш дафтارينинг 1 ва 2-топшириқ талабларини ишлаб чиқиши керак. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ва тарқатма материаллардан А ўқитиш мақсадларини кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР А ўқитиш мақсади билимларини текшириш.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтارينинг 1 ва 2-топшириқлари.</p>
12	Баҳоловчи семинар Баҳолаш учун иш дафтар – 1 ва 2-топшириқларни яқунлаш А	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: А ўқитиш мақсадлари тўғрисида умумий тасаввур ва улар билан боғлиқ 1 ва 2 – топшириқлар. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтаридаги 1 ва 2 – топшириқларни бажаришлари керак. 	<p>АТ тизимларидан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Модул спецификацияси.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
				Доска ва ручкалар. МР Баҳолаш учун иш дафтари – 1 ва 2 – топшириқлар.
13	Лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа инструментлари В1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчиларнинг 1 ва 2 – баҳоловчи топшириқлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳани режалаштириш тамойиллари ва лойиҳа режасини тузаётганда нималарни инобатга олиш лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Лойиҳа режасининг асосий компонентларини муҳокама қилинг ва лойиҳанинг моҳиятидан келиб чиқиб, режалардаги фарқларни аниқланг. • Ўқитувчи тақдимоти: Машқларни режалаштиришни қўллаб-қувватловчи лойиҳаларни бошқаришнинг бир қатор воситалари: <ul style="list-style-type: none"> ○ Ганта диаграммаси; ○ PERT диаграммаси; ○ Лойиҳанинг қоғоз режаси. • Кичик гуруҳлардаги мунозара: Ўқувчилар лойиҳаларни режалаштиришнинг турли усуллари, хусусиятларини муҳокама қиладилар. 	<p>Бизнес учун АТ-тизимлари ва тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФС Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>ФС Лойиҳа режаси шаблони.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> ● Кўникмалар семинари: Асосий талабларни қондириш учун асосий лойиҳа режаларини яратиш бўйича, семинарнинг тизимли амалий кўникмалари: <ul style="list-style-type: none"> ○ лойиҳанинг мақсадлари; ○ лойиҳанинг асосий босқичлари; ○ тараққиётни ўлчаш нуқталари; ○ лойиҳа бўйича машқлар; ○ лойиҳавий жамоа аъзоларининг вазифалари; ○ ресурсларга бўлган талаблар; ○ мақсадлар ва муддатлар. ● Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. ● Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишлари ва таянч атамалар глоссарийсини янгилашлари, шунингдек, алоқа режаларига бўлган талабларни ўрганишлари лозим. 	
14	Лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа инструментлари В1		<ul style="list-style-type: none"> ● Кириш: Ўқитувчи лойиҳаларни бошқаришда алоқани режалаштириш мақсадлари тўғрисида тасаввур уйғотиши лозим. 	Электрон жадваллар билан ишлаш учун АТ-тизимлари ва дастурлардан фойдаланиш имконияти.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: Алоқани режалаштириш тамойиллари ва алоқа режаларини тузишда нималарни инobatга олиш лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Алоқа режасининг асосий компонентларини муҳокама қилинг ва лойиҳанинг моҳиятидан келиб чиқиб режалардаги фарқларни аниқланг. • Гуруҳларда машқлар: Асосий талабларга амал қилинган ҳолда, базавий алоқа режаларини тузишда, тизимли кўникмалар бўйича мастер-класс: <ul style="list-style-type: none"> ○ алоқа мақсадлари; ○ барча манфаатдор томонларни жараёнга жалб қилиш; ○ алоқанинг усуллари; ○ алоқанинг услублари; ○ алоқанинг ўз вақтидалиги. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади, шунингдек, лойиҳалар билан боғлиқ хавф ва муаммоларни тадқиқ этишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>ФШ Алоқа режасининг шаблони.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	Лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа инструментлари В1		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи лойиҳавий хавф концепциясини тақдим этади. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳа хавфини баҳолаш тамойиллари, хавфнинг тоифалари ва хавфнинг эҳтимоллилиги. • Кичик гуруҳлардаги машқлар: Модулни ўрганиш давомида, олдин кўрилган лойиҳанинг кейс-стадисидан фойдаланиб, ўқувчилар улар билан боғлиқ бўлган эҳтимолли хавфларни муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳавий хавфлар бўйича машқ натижалари билан бўлишишлари керак ва ўзларининг хавфни аниқлаш ёки лойиҳавий хавфни бошқариш бўйича шахсий тажрибалари билан бўлишишлари лозим. • Ўқитувчи тақдимоти: Фавқулодда режалаштириш. 	<p>Бизнес учун АТ-тизимлари ва тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>ФШ Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш режасининг шаблони.</p> <p>Лойиҳанинг кейс-стадиси.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларда машқлар: Асосий талабларга амал қилинган ҳолда, базавий фавқулоддаги режаларини тузишда тизимли кўникмалар бўйича мастер-класс: <ul style="list-style-type: none"> ○ олдиндан кутиладиган ва кутилмаган вазиятлар; ○ хавф ва муаммоларни бартараф қилиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар; ○ лойиҳа муваффақияти учун муҳим бўлган, танқидий машқлар, ресурслар ва жараёнлар. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	
16	лоийҳалар мониторинги – лойиҳаларни бошқариш учун воситаларидан фойдаланган ҳолда B2		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи ўтган дарсда ўтилган материалларни мустаҳкамлайди ва лойиҳаларни режалаштиришда, лойиҳаларни бошқариш воситаларидан фойдаланиш тўғрисида тушунча беради. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Лойиҳаларнинг тараққиётини мониторинг қилиш учун лойиҳаларни бошқариш воситаларидан қандай фойдаланиш зарур. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳани бажариш давомида мониторинг масалаларини ва нимага эътибор қаратиш лозимлигини муҳокама қиладилар. 	<p>АТ-тизимлари ва лойиҳаларни бошқаришга тегишли дастурий таъминотлар ва воситалардан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳаларни бошқариш воситалари мисолларидан ва тараққиёт ҳамда хавфни баҳолаш учун тақдим этилган мисоллар билан боғлиқ бўлган маълумотлардан фойдаланадилар. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдлар ёзишади ва атамалар глоссарийсини тузишади. 	<p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p> <p>МР Лойиҳаларни бошқариш учун воситалар ва маълумотларнинг сценарийлари ҳамда мисоллари.</p>
17	<p>лойиҳалар мониторинги – Лойиҳани амалга ошириш муаммолари</p> <p>B2</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи ўтган дарсда ўтилган материалларни мустаҳкамлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Лойиҳани бошқариш воситалари, қандай қилиб лойиҳани амалга оширишдаги муаммоларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин. • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар лойиҳани амалга ошириш ёки якунлашга таъсир қилиши мумкин бўлган муаммоларнинг турларини муҳокама қиладилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар.</p> <p>ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий хулосалар натижаларини қайд қилиш учун шаблон.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Жуфтликларда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар лойиҳани бажариш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мисолларидан ва ҳар бир мисолнинг, лойиҳанинг тараққиёти ёки муваффақиятига таъсирдан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Лойиҳани амалга ошириш билан ҳар бир муаммонинг ечимини ва бу муаммоларни юзага келишидан олдин бартараф этишни ўрганиш. • Якун: Дарсда ўтилган, машғулотнинг асосий хулосаларини мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар қайдларни ёзишлари ва таянч атамалар глоссарийсини ва тадқиқот лойиҳалари, шунингдек, узатилиши керак бўлган ахборот турлари билан боғлиқ маълумотларни янгилашлари лозим. 	МР Лойиҳани ўрганиш билан боғлиқ бўлган муаммолар сценарийлари ва мисоллари.
18	лоийҳага оид маълумотларни етказиш ВЗ	МЎ/ ММ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўқитувчи ўтган дарсда ўтилган материалларни мустаҳкамлайди. • Ўқитувчи тақдимоти: Лойиҳавий алоқаларнинг турлари, аҳамияти ва моҳияти, жумладан: <ul style="list-style-type: none"> ○ Ишнинг бориши тўғрисидаги йиғилишлар ёки назорат йиғинлари (оғзаки); ○ лойиҳанинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар (ёзма); ○ лойиҳа ҳисоботларининг генератори (ёзма). 	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. ТС Тақдимот слайдлари ва қайдлар. ФШ Дарсдан олинган машғулотнинг асосий

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
